



Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори,
филология фанлари доктори, профессор

ЎРТА АСР МАНБАЛАРИДА БУХОРОЛИК МУҲАДДИСЛАР ҲАҚИДА

Мовароуннахр ўзининг юксак илмий салоҳияти, ривожланган, ҳунармандчилиги, гўзал табиати, йирик маданий марказ шаҳарлари, серқирра маданияти билан ажралиб туради. Бундай ривожланган маданий ҳолатнинг юзага келишига кўплаб омиллар ўз таъсирини кўрсатган. Бухоро Мовароуннахрнинг ўзига хос аҳамиятга молик ҳудудларидан саналади. Жумладан, минтақада ўтrock маданий марказларнинг кўплиги, маҳаллий халқларнинг динлар ва маданиятларга бағрикенгликдаги муносабати, қадимий Буюк Ипак йўлининг мазкур минтақа маданий марказларидан мунтазам ўтганлиги ушбу ҳолатнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади. Айниқса мусулмон дунёсида хусусан, манбаларда “Бухоро – ислом динининг қуввати” эканлиги ҳақидаги маълумотлар унинг илмий-маърифий ҳаётдаги юксак мақомига ишора қилади.

Турли фан соҳаларида баракали ижод қилган олимлар ҳақидаги муҳим маълумотлар Абу Саъд Абдулкарим Самъоний(1179-1229)нинг «Китобу-ал-ансоб», Ёқут Ҳамавий(1179-1229)нинг «Иршоду-л-ариб ила маърифати-л-адиб», “Муъжаму-л-булдон”, “Муъжаму-л-удабо”, Ҳожи Халифанинг «Кашфу-з-зунун», Жамолиддин Қифтий(1167-1248)нинг “Инбоҳу-р-рувот ала анбои-н-нуҳот” каби юзлаб мавсуъий асарларда келтирилган. Мазкур манбаларда турли илмий марказларда шаклланган куръоншунос, ҳадисшунос, мутакаллим, фақиҳ, тилшунос, адабиётшунос, луғатшунос каби олимлар ҳамда улар асарлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотлар Бухоро ва унга қарашли туташ ҳудудларда ҳам кўплаб олимлар яшаб ижод этганлигини кўрсатади. Уларнинг сирасида ҳадис илми билан шуғулланган кўплаб етук муҳаддисларнинг ҳам мавжудлиги минтақада

ҳадисшуносликнинг ривож топганлигини кўрсади.

Али ибн Ҳасан ибн Али ибн Лутфуллоҳ Ҳусайний Қунужий Бухорий. Ўз даври олимлари унга «Садик Ҳасан» деб ном берганлар. У 1248 йил жумаду-л-увла ойининг 19 куни / 1832 йил 14 сентябр куни туғилган ва 1307/1890 йил ражаб ойида вафот этган. Олим кўплаб ҳадис ривоят қилган. Али Бухорий «ал-Хутта фи зикри-с-сиҳоҳи-с-ситта» - «Олти ишончли тўпламни зикр этиш ҳақидаги режа» номли асарни, шунингдек, Қосим Хоразмийнинг «Завоё ва-л-хабоё фи-н-наҳв» – «Наҳв илмидаги аниқ ва пинҳон жиҳатлар» асаридан ихтиёрий хулосалар чиқариш” асарига бағишланган «Таҳрижу-л-васоё мин хабаё-з-завоё» номли шарҳ ёзган.

Абу Абдуррахмон Ҳошид ибн Абдуллоҳ ибн Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Айман ибн Абдуллоҳ ибн Мурра ибн Аҳнаф ибн Қайс Саъдий Оғизуний. Ҳошид Оғизуний муҳаддис олимлардан бўлган, ўзидан олдин яшаган олимлардан ҳадис ривоят қилган. Кейинги давр муҳаддислари ундан ривоят қилинган ҳадисларни келтирадilar. Олим 250/864 йиллар чамасида вафот этган.

Абу Абдуллоҳ Абдул-воҳид ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Айман ибн Абдуллоҳ ибн Мурра ибн Аҳнаф ибн Қайс Тамимий Оғизуний — юкорида номи зикр этилган Абу Абдуррахмон Ҳошиднинг бобоси бўлиб, ўз даврининг пешқадам муҳаддисларидан бўлган. Бу икки олим манбаларда ўзлари туғилиб ўсган кишлок номи нисбаси билан Оғизунийлар деб аталган. Абдулвоҳид Оғизуний уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. Олим 200/815 йил вафот этган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Али ибн Ҳасан Бобож ибн Азкиёний Бухорода туғилган ва дастлабки таълимни шу ерда олган. Сўнгра таълим талабида Ироққа борган ва Бағдодда машҳур муҳаддислардан ҳадис илмини ўрганган, кўплаб ҳадисларни тинглаб, жамлаган. Бухоро, Бағдод ва бошқа жойларда ҳадис тинглаган. Муҳаммад Азкиёний 344

йилнинг шаъбон ойида/ 955 йил декабр ойида вафот этган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳотам ибн Азкар Афрахший. Олим халқ орасида «Ибн Хайс», яъни «Ҳайснинг ўғли» номи билан танилган, Бухоронинг машҳур шайхлари ҳисобланган. Ундан кейинги давр олимлари ҳадис ривоят қилган.

Абу Аҳмад Хол ибн Абу Карома Афшавоний. Манбаларда у Холид Бухорий номи билан ҳам зикр этилган. Шунингдек, уни «Холон» деб атаганлар. Холид Афшавоний машҳур муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган, ўз навбатида кейинга давр олимлари унинг ривоятидаги ҳадисларни келтирганлар.

Абу Исҳоқ Яъқуб ибн Исроил ибн Абуссамий Бордизий. Олим Бухоронинг Бордизах кишлоғида туғилган. Дастлабки таълимни Бухорода олиб, сўнгра Хуросонга борган ва у ерда йирик олимлардан таҳсил олган. Жумладан ҳадис илми бўйича билимларини оширган. Ундан кўплаб олимлар ҳадис ривоят қилганлар. Яъқуб Бордизий 309 ҳижрий йил жумоду-л-увло/ 921 октябр ойида вафот этган.

Абуттаййиб Ҳалвон ибн Самра ибн Моҳон ибн Ҳокон ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳаким ибн Абулосс ибн Умайя Бонабий Бухорий ўта тақводор, пархезкор ва зоҳидлардан бўлган. У ўз юртида дастлабки таълимни олиб Бағдодга келган ва шу ерда муқим яшаб, ҳадис илми бўйича билимларини орттирган. У устозларидан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Ямон Жуъфий Бухорий машҳур муҳаддис ва ҳофиз сифатида ҳам танилган. Имом Бухорийга замондош бўлган. Унинг «Муснаду-с-саҳоба» - «Саҳобалар таянчи» номли асари мавжуд.

Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Рустам Бухорий Калободий. У муҳаддис ва ҳофиз бўлган. Аҳмад Калободий 323/935 йил Бухорода туғилган, 398 ҳижрий йил жумоду-л-охира ойида /1009 йил феврал ойида вафот этган. Абдуллоҳ Муснадий «Иршод фи

маърифати рижоли-л-Бухорий» - «Бухорий шайхларини билиш ҳақидаги кўрсатма» номли асар ёзган.

Умар ибн Али ибн Аҳмад ибн Лайсий Бухорий. У “Абу Муслим” номи билан ҳам танилган муҳаддис, ҳофиз ва сайёҳ бўлган. Олим турли илмлар хусусан, ҳадис илмига оид маълумотлар тўплаган ва ўз асарларида истифода этган. Умар Лайсий қаламига мансуб йирик асар «Жамъу байна-с-саҳиҳайни-л-Муснад ва-с-Саҳиҳ» - «Муснад» ва «Саҳиҳ» номли икки ишончли тўплам уйғунлашган асар» деб номланади. Олимнинг вафот этган жойи ҳақида турли маълумотлар мавжуд. Уларнинг бирига кўра олим 466/1074 йили Хузистонда, бошқа бир ривоятда айтилишича, Ахвезда вафот этган.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Бухорий Хазаржий Замузий ўта оқил ва фозил инсон бўлган. Муҳаммад Бухорий «Масотиъул-анвор фи истихрожи ма фи ҳадиси-л-исроъ мина-л-асрор» «Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) нинг Маккаи мукаррамадан Қуддусга тунги саёҳати асносида намоён бўлган сирлар ҳақидаги ҳадисдан олинган фикрларга ойдинлик киритувчи нурларнинг порлаши» номли асар ёзган. Олим 839/1435 йили вафот этган.

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Хайруллоҳ Бухорий муҳаддис сифатида танилган. Олимнинг келиб чиқиши асли Бухородан бўлган ва 1154/1741 йили туғилган. Лекин ўзи Шом диёрининг Нобилус деган шаҳрида яшаган ва шу ерда вабо касалига чалиниб, вафот этган. Унинг «Муъжаму-ш-шуйух» - «Шайхлар қомуси» номли асари мавжуд. Олим 1200/ 1786 йили вафот этган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим Калободий Бухорий асосан муҳаддис сифатида танилган. Олим илм-фаннинг турли соҳалари бўйича фаолият олиб борган. Муҳаммад Калободий «Баҳру-л-фавоид» - «Маъонийу-лаҳёр» номи билан машҳур бўлган «Фойдалар уммони», «Нубза мин «Китоби-т-таъарруф ли мазҳаби-т-тасаввуф» - «Китобу-т-таъарруф ли мазҳаби-т-тасаввуф»дан парча», «Арбаъун

ҳадисан» - «Қирқ ҳадис», «Ашфоъ ва-л-автор» - “Жуфт ва тоқ ўқиладиган дуолар», «Мифтоҳу маъонийи-л-осор» - «Асарларнинг мазмун-моҳиятини очувчи калит» каби асарларнинг муаллифи. Олим 380/990 йил вафот этган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сулаймон Бухорий муҳаддис сифатида танилган. Бундан ташқари муаррих бўлиб ҳам шуҳрат қозонган. Олимнинг «Тариху Бухоро» - «Бухоро тарихи» номли китоби машҳур. Муҳаммад Бухорий 316/928 йили вафот этган.

Абулфазл Аҳмад ибн Али Амр ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Анир Сулаймоний Пойкандий 311/923 йили туғилган. Манбаларда келтирилишича, ўз даврида иснод келтириш, ёдлаш ва ишончли ҳадисларни келтиришда унга тенг келадиган олим бўлмаган. У бир қатор давлатларга сафар қилган, кўплаб асарлар яратган. Маълумотларга кўра олим ҳар ҳафтада ёзган нарсасини Бухоронинг Пойканддаги жомеъ масжидига олиб борар ва эълон қилар, шу ерда олимлардан ҳадис илмидан сабоқ олар экан. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилган. Аҳмад Сулаймоний 404/ 1014 йили зу-л-қаъда ойида вафот этган.

Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Ҳалим Бухорий Шофийий мутакаллим сифатида танилган. Лекин фикҳ, ҳадис, адабиётга оиб бўлган. Олим 338/ 949 йили Бухорода туғилган ва шу ерда яшаган, қозилик вазифасини бажарган. У уч жилдлик «Минҳожу-д-дин фи шаъби-л-имон» - «Имон аҳли ҳақидаги дин дастури», «Оёту-с-соат ва аҳволу-л-қиёмат» - «Қиёмат ҳақидаги оятлар ва унинг аҳволи» номли асарларни ёзган. Ҳусайн Ҳалимий 403 йил рабиъу-л-аввал/ 1012 йил сентябр ойида вафот этган.

Абу Закариё Абдурраҳим ибн Аҳмад ибн Насрибн Исҳоқ ибн Мазоҳим ибн Ғиёс ибн Амру Тамимий Бухорий. У 382 йил рабиъу-л-аввал/ 992 йил май ойида туғилган. Ёшлигида Мисрга келиб, шу ерда муқим яшаган. Ҳадис илмига жуда қизиққан, мусулмон дунёсининг кўпгина мамлакатларида машҳур муҳаддислардан ҳадис тинглаган ва ўзи ҳам ҳадис айтган. Шунингдек, Абдурраҳим Тамимий ҳофиз ва

сайёҳ сифатида ҳам танилган. У «Рисолату-р-рихлати ва асбобуҳо» - «Рихлат ва унинг сабаблари ҳақидаги рисола», «Рисола «Ло илоҳа иллоллоҳ ва савобуҳо» - «Ло илоҳа иллоллоҳ» калимаси ва уни тўғри айтиш ҳақидаги рисола», «Муштабаху-н-нисбати» - «Шубҳали нисбалар» асарларини ёзган. Олим 461/1068 йил Ҳавро шаҳрида вафот этган.

Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Ризвон ибн Юсуф ибн Ризвон Бухорий Моликий, кейин Фосий Абулқосим ҳадис ровийларидан ҳисобланади. Абдуллоҳ ибн Ризвон 718/1318 йили туғилган. Шунингдек, фақиҳ, хатиб, наҳвшунос, тилшунос олим сифатида ҳам танилган. Назм ва насрда асарлар битган, котибларнинг сардорларидан бўлган. Абдуллоҳ ибн Ризвон 784/1382 йили Измирда вафот этган. Унинг «Китоб фи-с-сиёсати-с-султония» - «Султоний сиёсат ҳақидаги китоб» номли асари бор.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мавҳаб Бухорий Бурҳонпурий Ҳиндий Ҳанафий Накшбандий муҳаддис, муаррих ва фақиҳ олим сифатида танилган. Муҳаммад Бухорий 1041/1631 йили таваллуд топган. Олим «Тарғибу-л-ҳасанот ва тарҳибу-с-саййиёт» - «Эзгуликлар тарғиботи ва ёвузликлар даҳшати», «Жомияту-д-далоил» - «Далиллар тўплами», «Хулосату-р-расоил фи фазоили Макка» - «Макка фазилатлари ҳақидаги рисоаларнинг хулосаси», «Хулосату-с-сияр фи-т- тарих» - «Тарих ҳақидаги сийратлардан келиб чиқадиган хулоса», «Рисола фи-л-ҳажж ва-л- умра» - «Ҳажж ва умра ҳақидаги рисола» асарларини ёзган. Муҳаммад Бухорий 1110/1698 йили вафот этган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил Бухорий. У «Ғунжор» номи билан машҳур бўлган муҳаддис, ҳофиз, муаррих ва фақиҳ. Муҳаммад Ғунжор 337/948 йили туғилган. Шайхлик қилган. Унинг қуйидаги асарлари мавжуд: «Тариху Бухоро» - «Бухоро тарихи», «Мусаннаф фи фазоили-с-саҳобати-л-арбаъати» - «Чаҳорёрларнинг фазилатлари ҳақида тасниф этилган китоб». У жуда кўп ҳадисларни билган ва уларни арақларга ёзиб борган, шунингдек,

ҳадис илмини ҳам яхши билган. Олим Марвга ҳам борган ва у ердаги шайхлардан ҳадис ёзиб олган. Кўпчилик муҳаддислар ундан ҳадис ривоят қилганлар. Муҳаммад Ғунжор 412/1021 йили вафот этган.

Абу Комил Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Басир ибн Аҳмад ибн Хусайн Басирий Анбардувоний. У Муҳаммад ибн Абу Идрис Журжоний ва бошқалардан ҳадис эшитган. Олим насаблар билан шугулланган олим, шу ҳақда маълумотларни жамлаган ва «Музоҳот ва-л-музофот фи-л-асмои ва-л-ансоб» - «Исмлар ва насаблар ҳақидаги қўшимчалар ва ўхшашликлар» номли китоб ёзган. Аҳмад Анбардувоний 449/ 1057 йили вафот этган.

Сафийуддин Бухорий Ҳанафий муҳаддис ва муаррих бўлган. Олим 1200/1786 йили Банорасда вафот этган.

Шунингдек манбаларда Абулаббос Фазл ибн Аҳмад ибн Саҳл ибн Саид ибн Тамим Омулий, Абуннаسر Аҳмад ибн Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Асад ибн Комил ибн Холид Афшавоний, Абу Саҳл Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Амин Марвазий Бухорий, Абу Али Ҳасан ибн Даҳҳок ибн Мутир ибн Ҳаннод Бордизий Бухорий (ваф. 326/ 938 й.), Абу Саид ибн Исмаат ибн Умар ибн Рижо ибн Самра ибн Моҳон Бонабий (ваф. 326/938 й.), Абу Суфён Абу Толиб Абдуллоҳ ибн Вакиъ ибн Аҳмад ибн Мунзирр Ҳамадоний Бонабий Бухорий, Абу Бакр Аҳмад ибн Саҳл ибн Абдуллаҳмон ибн Тархун Бонабий, Абу Абдуллоҳ Хусайн Муҳаммад ибн Қурайш Бонабий, Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Закариё ибн Кутн Ансорий Бонабий, Абу Юсуф Яъқуб ибн Юсуф ибн Кутн ибн Жунайд ибн Иброҳим ибн Машдуд Ансорий Бонабий, Абу Али Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Маъруф Бонабий (ваф. 909 й.), Абулайс Наср ибн Зоҳир Анисуний Бухорий каби ўнлаб муҳаддисларнинг номлари зикр этилганлиги аниқланди. Мазкур муҳаддис олимлар Мовароуннаҳрдаги ҳадис илми ривожига катта ҳисса қўшганлар. Улар ёзиб қолдирган илмий меросни аниқлаш ва уларни тадқиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.